

Муҳим вақтларда заманавий техника билан



Механизаторнинг ҳосил етиштиришда алоҳида ўрни бор. Айниқса, ҳозирги ғўза парваришида унинг иши янада масъулиятли. Шу боис ғўза ишига фидойи, катта хирмон иштиёқида ёнган бу касб эгалари ғўза ўрини далада деб билишади. Сайфулла Эргашев ва Шариф Ирисов ҳам шундай касбига садоқатли инсонлардан. Улар Пайарик районидagi «Дехқонбод» жамоа хўжалигининг Асад Нишонов бошлиқ бригадасида меҳнат қилишиб, кунлик нормаларини 1,5—2 мартадан ошқириб бажармоқдалар. Механизаторларнинг ҳар бири кунига 3—6 гектар ерга ишлов беришмоқда. Бригада азаматлари 87 гектар майдонда ғўза ўстиришмоқда. Ҳар бир нисолда 7—8 тадан икки санас мумкин.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўз қасбини фидойилик билан Сайфулла Эргашев ва Шариф Ирисов. 2. Ғўзага ишлов бериляпти.

К. ТУРСУНОВ
олган суратлар.



Шошилинч хабар

И. А. КАРИМОВ:
«ЎЗБЕКИСТОН—БОЗОР
МУНОСАБАТЛАРИГА
ЎТИШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ»

Республика мустақил деб эълон қилинган куннинг икки йиллиги арафасида «Ўзбекистон» нашриёти Исролом Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистон—бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобини босмадан чиқарди. Китобда Марказий Осиё минтақасидаги йирик давлатлардан бирининг янги иқтисодий муносабатларга ўтиш концепцияси баён қилиб берилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Исролом Каримов жаҳон тарихида мислсиз андоза қўйган олга сурди. Бу роҳ уч таркибий қисмдан иборат: — ижтимоий жиҳатдан йўналиштирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятини тавсифи;

— қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизиминан хўжалик юретишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлга ўтишнинг энг муҳим принциплари;

— иқтисодий ислохотларнинг амалга оширишнинг, тангликдан чиқиб олишнинг, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Теран фикрли, чуқур таҳлилга бой бу асарнинг асосий хулосаси қандай? «Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини изчиладиган бўлиб ўтказишнинг демократик йўли» ўзгаришлар учун, республикани ривожлантирган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг халқроқ нуфузини мустаҳкамлаш учун зарур моддий негизни вужудга келтириш. Иқтисодий турмуш тарзига, республиканинг ўзига хос хусусиятларига асосланган, унга мос келадиган давлат тузумини ва кучли сиёсий тузилмани барпо этиш мумкин.

Ўзбек ва рус тилларида нашр этилган бу китоб тўққиз бобдан иборат. Уларда бозор муносабатларига ўтиш даражасида мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий фаолиятининг асосий жиҳатлари батафсил баён қилиб берилган.

(ЎзА).

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Навоий вилояти ҳокимлигида халқ ноиблари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирокида йиғилиш бўлди. Уни вилоят ҳокими А. Айдарқулов очди.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков йиғилишда сўзлаб, республикада юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, иқтисодий ислохотнинг бориши, Олий Кенгаш навбатдаги сессиясида муҳокамага қўйилган масалалар ва қонун лойиҳалари ҳақида гапирди.

Йиғилишда республика Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров қатнашди.

И. Жўрабеков шу кунги ақнида юз берган табиий офатдан зарар кўрган Навоий туманидаги «Наврий» давлат хўжалигида бўлиб, бу ердаги аҳвол билан таъиниш, одамлар билан таъиниш, таъиниш оғат оқи-батларига тездан барҳам бериш чора-тадбирлари белгиланди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси олдидан Бухоро вилоят ҳокимлигида ҳам халқ ноиблари, шаҳар ва туман ҳокимлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков учрашувда сўзга чиқди.

Учрашувда Ўзбекистон Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров, Бухоро вилоят ҳокими Д. Елгоров, республика конституциявий назорат қўмитасининг раиси Ш. Ўзгараев, Ўзбекистон Бош прокурови Б. Мустафоев қатнашди.

(ЎзА).

ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИЛМОҚДА

Эрта тонг. Пахта далаларида иш қизғин. Бир тарафда трактор ғўза қатор ора-ларига ишлов беришмоқда. Бир томонда кишилар нисоллар тагини юмшатишяпти. Юқори пайкалда экин оби-ҳаётга қонмоқда.

Ғўза кун санайди, дейишди. Аслида, деҳқон ё-нини ҳар бир кунга ва ту-нини ҳисоблаб боради. Унинг меҳнати билан ғўза кунда бир яншаб, кўнжа бўйи-чўзади. Эгитлар бўлиб ҳосил-шохлари билан тўлади. Жи-заҳ районидagi «Ўзбеки-стон» жамоа хўжалигининг 8-бригадаси бошлиғи Мели-бой Сулаймоновни ғўза пай-калада учратдик.

— Бу киши, — деди жа-моа хўжалиги бош ҳосилоти Холмирова Сайдуллоев бри-гада билан таништира-ркан, — уста пахтакор Су-лаймон бобо йўлдошнинг учинчи ўғли бўлади. Бобо-нинг ўзи шу ерда умрининг охирига қадар бригадир бў-либ ўтди. Ҳозир учала ўғли-лари — Абдуғани, Қувват ва Мелибойлар ота изидан бориб бригадаларга етакчи-лик қилишяпти.

Бу йил Мелибой Сулай-монов бошлиқ бригада деҳ-қонлари 90 гектар майдон-да ғўза, 35 гектар майдонда қалла, 25 гектар майдонда беда парвариш қилишяпти. Улар деҳқончилигининг даст-лабки ҳосили — қалла ўри-мигини нисолсига еткази-шди. Ҳар гектар майдон-дан режадаги 27 ўринга 30 центнердан дон олишди. Шунингдек, беда ўрими-дан ҳам мўл озуқа йиғишти-риб олишмоқда.

Ўлкамизда август ойи ҳам нисолсига етгапти. Ҳамма ерда бутун кўч ғўза парваришига қаратилган. Ҳосилга ҳосил қўйиш барча йилда зарбдорчасига ташкил этилган.

— Ҳозиргача ғўзани тўрт марта озиқлантирдик, олти марта ишлов бердик, икки марта сугордик, — деди бригадир мамнунити билан

маромида ўсишини таъмин-лади.

— Меҳнатимиз самараси кў-риниб қолди. Ҳар туп ғўзада 8—9 тадан бўлиқ кўсак са-наи мумкин. Эндиги навбат парваришни кучайтиришдир.

Бош ҳосилот билан ғўза ривожини кўздан кечиридик. Ўтган йилга қараганда кўп яхши. Агар ҳосилини шу таразда тўллаш давом этса, кўнжалар пахтадан олиш мумкин. Қўнжада чигит йил-уч марта қайта бузиб экилиши деҳқон ташвишини ортирган бўлса-да, улар-нинг кўнглини чўктирмади. Такриба ва тадбиркорлик билан иш юритиш ўз сама-расини берди. Бундан таш-кари саратоннинг нисбатан иссиқ келиши ҳам ғўзанинг қувонди.

О. ҲАМЗАЕВ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТИНИ

Қўллаб-қувватловчи ЖАМҒАРМАНИ

ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Газета ва журналлар фаолиятини таъминлаштириш, даврий нашрларни чиқариш ва тарқатиш, шунингдек, бозор муносабатларига ўтиш шароитида журналистларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда уларга қўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси матбуоти қўллаб-қувватловчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси давлат Матбуот қўмитаси, республика газети ва журналлари таъриятлари ва бош муҳаррирлари кенгаши, «Шарқ» концерни, «Журналистлар уюшмаси» Халқ таълими вазирлиги, «Истеъдод» жамғармаси, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқаларнинг таълиф қабул қилиниши.

2. Қўйилган жамғарманинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин: — газета ва журналлар нормал фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратишда, уларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ молиявий, моддий-техникавий масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам бериш;

— давлат идоралари ва жамоат ташкилотларида газета ва журналлар ҳам-да улар таъсирчиларининг манфаатла-рини йўналтириш, таъриятлари билан биргаликда республика ҳукуматига дав-рий нашрларни чиқариш ва тарқатиш-

ни янада яхшилашга қаратилган так-лифларни тақдим этиш;

— матбуотга малад бериш мақсади-да давлат ажратган маблағларни тақ-симлашда иштирок этиш, ишлаб чиқа-риш, тижорат ва таъқиқ иқтисодий фао-лият, шунингдек, ҳокимият бадаллари ва бошқа бадаллар ҳисобидан ўз маб-лағларини ташкил этиш ҳамда бу маб-лағларини газета ва журналларнинг мо-дий базасини мустаҳкамлаш учун сарф-лаш.

3. Республика даврий нашрларининг молиявий ва моддий-техникавий ба-засини мустаҳкамлаш мақсадида жамғар-мага Вазирлар Маҳкамаси заҳирасидан 1 миллиард сўм ажратилсин.

4. Жамғарма республиканинг барча юридик ва ижтимоий шахслари, ташки-лотлари, фирмалари ва уюшмалари учун очик ҳисоблансин.

Вазирликлар, идоралар, концернлар ва ҳокимиятлар жамғарма фаолиятига бутун чоралар билан қўмаклашишлар.

5. Ўзбекистон Республикасининг Ва-зирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу фармон бажарилишини таъминлашга таъминлашга оид қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 25 август.

БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҒАЛЛА ТАЙЕРЛАШ
ҚАНДАЙ ЯКУНЛАНМОҚДА?

қилинган баҳонага ўсим-лик найча чиқарган. Шу ер-ларда ҳатто моллар боқил-ган ҳам. Баҳорда ўсимлик-ривожига қараб тез-тез су-ғориб турилган. Вақтида озиқлантирилган. Шу йўл-билан юқори ҳосил олинган.

Кўриниб турибдики, ба-ҳонага ўрин йўқ. Самар-қандликни ошириш ҳисоби-га ғалла ҳосилини ошираман, деганлар учун барча ша-роит мавжуд. Малакали му-тахассислар етарли, тажри-бали, кўни кўрган мириш-корлар бор. Фақат ҳозир, ҳалол меҳнат бўлса бас. Бу йилги ғалла масъумида На-воий, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоят-ларида ҳам кўнжалар ла-ражасида дон олишмади. Шу-нинг учун ҳам гектарлар самардорлиги жумхурият бўйича ўтган йилги 15,5 центнердан 13,1 центнерга тушиб қолди.

Бу йил Республикада Президент ва ҳукумат ғалла таъминининг барта-раф этиш учун сугорилган-ган ерларда бошқоқ дон экинларини 750 минг гек-тарга етказиш тадбирлари-ни белгилди. Бироқ юқори-да таъминланганидек, ҳосил-дорликни оширишнинг таъ-минламас эканлиги, қўнжа-ча, майдонлар ажратасанг-билан мақсадга эришиш қи-ян.

Шунинг учун ҳам белги-ланган вазифаларни бажари-нишга жиддий киришмоғи-миз лозим. Вақтинг кетди, бахтинг кетди, деганлардек агар эътибор берадиган бўл-сан, қишлоқ хўжалигини таъ-минлаш камчиликлари билан бири лозим бўлган ишларни ўз вақтида адо этмаётганли-гини эслатди.

Аслида ғалла майдонла-рининг кенгайиши деҳқон-лар учун ҳам, республика аҳо-лиси учун ҳам кўп фойда-берилади. Биринчидан, дон ўсимидан чиқиб, аҳоли дас-турдон тўқни бўлади. Ик-

кинчидан, давлат хазинаси-дан кетаётган миллионлаб сўм маблағ тежалди. Энг асосийси, узоқ йиллардан бери пахта экилавериб, ҳол-дан тойган ерларимизнинг мелiorатив ҳолатини яхши-лаб оламиз. Бу тупроқ унумдорлигини ошириш, пи-ровард натижада қишлоқ хўжалик экинларидан бар-қарор юқори ҳосил олишда бош омил ҳисобланади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ғал-ла етиштириш учун пахтага нисбатан бир неча баробар кам меҳнат сарфланади. Ма-салан, Самарқанд вилояти-нинг шимолӣ минтақасида жойлашган Пайарик, Ишти-хон, Оқдарё туманларининг қатор хўжаликларидан ўтган

йили ҳар гектар пахта эки-лан ердан олинган соф фой-да ғалла экилан ерлардан-гидан кам бўлди. Шундай ҳолни бошқа жойларда ҳам кузатиш мумкин.

Демак, пахта майдонлари ўрнида ғалла етиштири-дан деҳқонлар асло чўчимас-ликлари керак. Агар ишла-вини ўрнига қўйишса, хир-монлари донга тўлиб, хона-донларига қўт-баракка кири-ли аниқ. Бунинг устига, ғал-ланинг сомони чорда учун асқотди. Қолаверса, ҳосил-дан бўшаган ерларга саба-зот, помид, озуқа экинлари, дуккакли экинлар, картош-ка экиб, иккинчи мартаба баракали хирмон кўтариш мумкин.

Ғалла майдонларини ке-нгитириш пахта етиштири-дан шугулланувчи мам-лакатлардаги сингарий ил-мий асосланган алмаш-лаб экишни йўлга қўйишга ке-нг имконият очилди. Деҳқончи-лик маданиятини юксалти-риш таъминлайди.

Аммо ҳолва деган билан оғиз чўчмаганидек, режа тузиб тадбир белгиланиши-дан ўзим камлик қилади. Энг асосийси, уларни рўбга чи-қаришда қолган. Республика-да майдонда бўлган ғалла экин-иш учун мўлжалланган ерларнинг катта қисми ҳо-зир пахта ва бошқа экинлар билан банд. Шунинг учун ҳам хўжаликлар раҳбарла-ри, мутахассислар ҳозирда-ноқ ғалла экиладиган майд-онларини белгиллаб қўйиш-лари лозим.

Ушба ерлардаги ҳосил-дорлик навбатда йиғиб-те-риб олиниши, майдонлар ўз-вақтида экишга тайёрлани-ши талаб этилади. Уруғ ер-га қанчалик барвақт тўпша, шунча яхши. Вақтида эки-лан майдонларда ўсимлик-бир текис униб чиқади. Су-ғориш, озиқлантириш ўз вақ-тида ўтказилса мўл, энг асосийси эртаги ғалла ети-лади. Бу тақририй экинлар-

дан ҳам мўлжалдаги ҳосил-ни олишга кеңг имконият яратди.

Бу йил ғалла ҳосилдор-лигини қандай кетиш сабабларидан бири уруғнинг кеч — ноябр ойининг охи-ри, ҳатто декабр ойда ҳам сепилгани бўлди. Шу-нинг учун бу йил ҳозирда-ноқ хатоларни тақрирламас-лик чораларини қўриш ло-зим. Жорий йилда пахтадан бўшаган майдонларнинг қариб 250 минг гектарига ғалла экилиши керак. Та-биий қийинчиликлар туйфай-ли ҳосилнинг кеч етилаёт-гани бу тадбирни ўз вақти-да бажаришга тўсқин бўли-ши мумкин.

Бироқ иложи йўқ ишнинг ўзи йўқ. Бу борада яна Фарғона водийси деҳқонла-рининг тажрибаси кўп ке-лиши мумкин. Улар ҳосилни икки-уч мартаба териб ол-гач, тўқилган пахталарни ҳам йиғиштириб, қатор ора-ларини кеңг қамровли кул-тиваторлар билан юмшатиб, ерга уруғ экишди. Пайкал-лар сугорилгач, ғалла гу-рираб ўсиб чиқади. Бу тад-бир экинни вақтида экиб, вақтида йиғиштириб олишда катта аҳамиятга эга. Бу-нинг устига ғўза орасида ўсган ғалла ўсимлиги агар табиий нуқуллайилар бўл-са ҳам йиқилиб қолмайди.

Ҳозир белгиланган ерлар-га экин учун уруғ тайёр-лаш масаласи ҳам ўткир бў-либ турибди. Бу йил жами 1340 минг гектар ерга бо-шоқли дон экилиши лозим. Шунинг 750 минг гектарини юқорида айтганимиздек, су-ғориладиган майдонлар ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги вазир-лигининг маълумотларига қараганда, режани бажариш учун 212 минг тонна уруғ-лик керак бўлади. Айни пайтда хўжаликларнинг ўзи-да тахминан 110 минг тонна уруғлик жамғарилган. Бун-дан ташқари «Ўзлонмасу-лот» давлат концернининг тегишли корхоналарида 28 минг тонна сара уруғ тайёр-ланган.


Бу кам албатта. Шу са-бабли уруғликнинг қолгани-ни хўжаликлар давлатга топ-ширган товар ғалладан олишга мажбурмиз. Бу ўз-набатда қатор муаммолар-ни келтириб чиқаради. Са-баби, омондорларга доналар-нинг ҳаммаси ҳам талабага жавоб бермайди. Сифати-дан бўлиб, биринчи қатор-да, турли навлар аралашиб кетган бўлиши мумкин. Шу-нинг учун ҳозирдаюқ бу-нига жиддий киришган маъ-қул.

Чуқур олинган товар ғал-ла уруғликка яраши учун лабораторияларда аввало жиддий текширилимоғи, фа-қат сифатли, бирор навага мансуб, унумчанлиги юқори бўлганлари тайёрланмоғи дорлар. Акс ҳолда катта меҳнат қилиб фойда олиш ўрнига зарар кўриб қоли-шимиз мумкин.

Кўриниб турибдики, ғал-лачиларнинг кеңг ривожлан-тириш бўйича қўрилган тад-бирларни бажариш учун ҳа-ли кўп иш қилишимиз, қат-тор муаммоларни ҳал эти-шимиз лозим. Бу қийин, аммо бажарса бўладиган ва-зифа. Фақат доңчилик би-ла жиддий шугулланиш, олдиндан тайёрларлик кў-риш талаб этилади. Шундай қилинса, долзарб паллада доғда қолмаймиз.

КАРИМОВ РИХСИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
муҳбири.

...ишда ишга тушган терини қайта
Мараҳило.
 ...олгаж суратлар.



Одатда тўй баҳона босиб ўтилган йўлга бир назар ташланади. Мустақиллик йиллари Чортоқ туманида амалга оширилган ишлар рўй-рўбага чиқди. Бу ерда эски андозалардан тамоман воз кечилмапти. Туман ҳокимлиги маънавий билан жиддий шугулланиб, халқнинг руҳини кўтармоқда. Кувончлисиз шукки, Батан манфаати, мустақиллик манфаатини ҳамма нарсадан устун қўётган, қалбда ўти ва эрк туйғуси бор, ғайратли, куюнчан раҳбарлар иқтисодий ислохотни изчил амалга ошириб, халқ турмуш шароитини яхшилаш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Туман ҳокими Турсунали Пўлатовнинг иш услуби, омилиқлиги вилот миқёсида ўтказилган нуфузли йиғилишларда алоҳида эътироф этилаётганлиги бежиз эмас. У ислохотларни мулкка муносабатини ўзгартиришдан бошлади.

— Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг Голландияга қилган сафари таассуротлари биз — раҳбарларга катта мактаб бўлди, — фикрини ифодалайди Турсунали ака. — Қаранг, Ўзбекистон майдон жиҳатидан ўн Голландияга тенг келар экан. Мазкур мамлакатда экспорт қилинмайдиган маҳсулотнинг ўзи йўқ. Картошкага келсак, бу борада ҳеч ким голландлар олдига тушолмас экан. Бу шубҳасиз ери аъзолаш, деҳқончилик маданиятига қатъий риёб этиш, ҳалол ишлаш, техникага суяниш ша-рофатидир. Мустақиллик тугайли одамларимиз дунёқарашида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Иқтилобий сакрашларини чеклаб, аста-секин сингалан йўлдан бораётганлигимиз жуда муҳим. Зеро, давр уддабуронлиқни, ўз кучига, имкониятига ишониб фаолият юртишни тақозо этмоқда. Чортоқликлар республика мустақиллигини тўғйига муносиб тўғна билан келишиб.

Чиндан ҳам шундай. Жорий йилнинг етти ойи мобайнида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режаси туманда 109 фоизга, са-

ОБРЎ ТОПАЁТГАНЛАР

ЧОРТОҚ ТУМАНИДА ХУСУСИЯШТИРИШ ҲАМДА ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЯПТИ

ноат маҳсулотлари 108 фоизга, халқ хўжалиги юкларини ташини режаси 102 фоизга адо этилди. Хўжаликларда табиий қийинчиликлар мардонавор енгиб ўтилди. Шу кунгача эл дастурхонига салкам 2 минг тонна дон, 3 минг тонна мева, 5 минг тонна сабзавот маҳсулотлари, 450 тонна гўшт, 2.684 тонна сўт етказиб берилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт етиштириш 187 тоннага, сўт 29 тоннага кўпайди.

Туманда Президент тадбирларини амалга ошириш юзасидан яхши тадбирларга қўл урилган. Икки йил мобайнида 3 минг гектарга яқин ер томорқа ва шахсий турар жой учун ажратилди. Давлат йўли билан 6 миллион сўм имтиёзли қарзлар берилди. Иқтисодий ислохот дадил одимламоқда. Ҳозирги пайтда Чортоқда 134 та кичик ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатаёпти. Хусусийлаштириш самаралари кўринмоқда. Мавжуд хусусий фирмаларда 450 нафардан ортиқ ишчи ишлайпти. Улар олти ойда 70 миллион 508 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. «Нодир» хусусий фирмасига А. Раҳмонов етакчилиги қилапти. Янгиланг исломандларни эшик, дераза ромларини нисбатан арзонга тайёрлаб, аҳоли хўрматиға сазовор бўлишмоқда. Ингитали Солиев бошчилигида ишлаётган тикувчилик фирмаси эса бир йилда ўрта ҳисобда 2 миллион сўмлик аркаклар кўйлаги тайёрламоқда. «То-ла», «Нур», «Бинокор», «Газчи», «Муҳандис», «Янгитали ҳожин» каби ўйлаб кичик ва хусусий корхоналар ишчи жонланиб кетди. Айни пайтда ҳокимлик хатоларга йўл қўйган 14 та кичик корхона фаолиятини тўхтатди.

Таъкидлашларча Ҳабибулла Ғайбуллаев, Олимжон Содиқов Саломиддин Ҳўжаев бошчилик қилаётган Короскон, Мучум, Богистон қишлоқ Кенгашилари аҳолини иқтисодий ҳимоялашда ибратли ишларни амалга оширишайпти. Аҳоли эи жойлашган ерларда янги ишчи ўринлари яратилмоқда. Шунингдек, миллий қадриятларни тиклаш, халқ сайлалари ўтказиш ҳам диққат марказида. Икки йил ичида 2 мингдан ортиқ ишчи ўрин яратилганлиги фикримизнинг далилидир.

Сўнги ойларда фермер, деҳқон хўжалиқларини ташкил этиш жонланиб юборилди. Ҳозирда 26 та оилавий фермалар мавжуд бўлиб, етти ой мобайнида улар томонидан 40 тонна гўшт, 117 тонна сўт етиштирилди. 22 та фермер хўжалигида ҳар сигирдан ана шу муддат ичида 3 минг килограммдан сўт соғиб олинди. Гўштга топширилган бўрдоқларнинг ўртача тирк вази 410—450 килограммга тўғри келди.

Ишбилармонлар ҳақида гап кетганида Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги фермери Умаржон Собиров номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. У беш нафар онла аъзолари билан 20 га яқин қорамолни меҳр билан парвартишлайпти. Раҳмон Саидрахимов бош бўлган, аҳоли хўрматиға сазовор бўлишмоқда. Ингитали Солиев бошчилигида ишлаётган тикувчилик фирмаси эса бир йилда ўрта ҳисобда 2 миллион сўмлик аркаклар кўйлаги тайёрламоқда. «То-ла», «Нур», «Бинокор», «Газчи», «Муҳандис», «Янгитали ҳожин» каби ўйлаб кичик ва хусусий корхоналар ишчи жонланиб кетди. Айни пайтда ҳокимлик хатоларга йўл қўйган 14 та кичик корхона фаолиятини тўхтатди.

Истиқлол Чортоққа нима берди? Кўп нарса. Ҳоким Турсунали Пўлатовнинг эътироф этишича ўтган давр

мобайнида 60 та хусусий фирма ташкил этилиб, яқин 500 киши иш билан таъминланди. Қорабор қишлоғида Афғонистон билан ҳамкорликда «Афросиёб» деб номланган гилам, полос тўқиш корхонаси ишга туширилди. Чортоқ пахта тозалаш заводи қошида японияликлар билан биргаликда тикувчилик фабрикаси чиқарётган маҳсулотлар кўпчиликка маълум. Кушан қишлоғида йилга 18 миллион дона пишиқ гўшт тайёрлайдиган завод улуг байрам арафасида дастлабки маҳсулотини харидорларга инъом этди. 1 миллион дона гўшт кам таъминланган, ногирон, муҳтож кишиларга бепул етказилди. «Пешқўрғон» жамоа хўжалигида бир йилда 3 миллион дона шартли банка томат тайёрлаш йўлига қўйилди. «Чортоқ», Улуғбек номли жамоа хўжаликларида вино заводлари қуриб фойдаланишга топширилди.

ни мустаҳкамлаш, ҳар жамоада соғлом муҳит яратишга эътиборни кучайтирмоқда. — Ҳозирги шароитда биз учун энг муҳими ҳамжиҳатлик, тинчлик-хотиржамлик, — дея фикрини ифодалайди Турсунали ака. — Баъзида Москва матбуоти биздаги мухолифат тўғрисида кўпиртириб ёзаётган бўлса ҳам аниқ равиш биланмики, Ўзбекистонда бундай мухолифат йўқ. Уларнинг аниқ бир таклифи ҳам йўқ. Боз устига бундайлар ҳеч нарсатга ишонмайди деган кишилар — асосан ҳамма нарсани рад этишадилар. Бундай усул осонроқ, шу йўл билан арзон ортириш ҳам мумкин. Бироқ халқимиз кимнинг ким эканлигини яхши ажратиб олди. Энди таллаб олинган йўлдан оғишмай дадил боришимиз керак. Бир вақтлар Наманган халқига ўзини яхши кўрсатиб, раҳбарларга ақл ўргатадиган кимсалар

бусларини оммалаштириш жуда муҳим.

Ҳокимга суяниб ишлайдиган, ўз ўрини тогган кишилар оза эмас. Туман деҳқончилик саноат комбинати директори Собиржон Қозоқов, шахар ҳокими Абдусаммад Дадақонов, «Октябрь» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Юсуфжон Орифбоев, «Чортоқ» жамоа хўжалиги раиси Турдали Ҳужабоевлар шулар жумласидан. Улар хайрли ишларнинг бошловчиларидир. Жумладан Собиржон Қозоқовнинг ташаббус билан консерва, гўшт заводлари, йирик музхона қурилди. Шаҳар ҳокимияти Чортоқни гузлорларга бурнади. Марказдаги мустақиллик шоҳқўчасида 7 ой ичида 6 миллион сўмлик ободончилик ишлари амалга оширилди.

Жорий йилда чортоқликлар давлатта 5 минг тонна дон, 11,5 минг тонна пахта, 40 минг тонна сабзавот, 8 минг тонна мева, 12 минг тонна узум, 10 минг тонна картошка, 5,5 минг тонна сўт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни мўлжаллашган. Бу ниятлар рўйбга чиқишига шак-шубҳа йўқ. Шу ўринда Наманган вилот ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиб Бургутали Рағипалиевнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли:

— Чортоқ тумани ҳокими Турсунали Пўлатов ўз ўринини тогган, роат интидорли, ташаббускор раҳбар. Тез-тез долзарб масалаларга хусусида фикрлашиб тураман. Шунда унинг ҳаётини, оламларини, уларнинг илаш шароитларини яхши билишни, ўзининг жонқуярлиги билан одамлар меҳрини қозонаётганлигига чуқур ишонч ҳосил қилмаган. Зеро, бундай раҳбарлар истиқлолнинг ҳақиқий жонқуярларидир!

Раҳимжон ИРИСОВ, Абдунаби ҚОРАБОВЕВ,



СУРАТЛАРДА: 1. Чортоқ тумани ҳокими Турсунали Пўлатов йилга 18 миллион дона гўшт ишлаб чиқарадиган янги завод ишчилари билан ўзаро мулоқотда. 2. Туман деҳқончилик-саноат комбинати директори Собиржон Қозоқов (ўртада) мева-сабзавотини қайта ишлаш корхонаси ишчилари Махмуд Ҳомидов, Лутилло Ҳомидов ва Эътибор Ҳусанов билан тайёр маҳсулотларини кўздан кечиришайпти.

П. АКБАРОВ олган суратлар.

МУАММО ҲАЛ. ЭТИЛМОҚДА

Манзилга соат тўққиз-беш бўлиб етиб борди. Ҳокимлик биноси олдида уч-тўрт киши нималариндир қизғин суҳбатлашиб турарди. Салом-алиқдан сўнг ўзимизни таништириб мақсадни айтдик.

— Жуда яхши, — деди район ҳокимиятининг муовини Абдумалик Камолов. — Аввал Муҳаммад Мирзобоев номли жамоа хўжалигига борсак. У ерда қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг боришига бағишланган йиғилиш ўтказишмоқчи.

А. Камолов ва Янгитўй район ер тузиш ва ундан фойдаланиш бош муҳандиси М. Нодиров ҳамроҳлигида хўжаликнинг биринчи бригадаси дала шийойига етиб борганимизда ҳамма йиғилган эди. Колхоз раиси Ҳомид Абдуганиевич маърузасида барча соҳага батафсил тўхталиб, давр талаби руҳида ишчи ташкил эта олмаётган етакчиларини аямади. Жумладан, тармоқ хусусида шундай деди:

— Тўғри, давлатга олти ойлик гўшт, жун сотиш режалари муддатидан олдин уудаланди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,9 тонна кўп гўшт етиштирилди. Гўштга топширилган қорамолнинг ўртача вази ошди. Қўзларидан ортиқ бузоқ ва қўзи олинди. Аммо ҳар бош говмишдан қуниқ соғиб олинаётган сўт 9—10 килограммга кўтарилса, ҳозирча сезиларли ўсига эришганимиз йўқ. Унинг устига 30 бош сиғир кам. Бош сонини тезда ўрнита

қўймасак, кўрсаткичлар парадда етиб борди. Ҳокимлик биноси олдида уч-тўрт киши нималариндир қизғин суҳбатлашиб турарди. Салом-алиқдан сўнг ўзимизни таништириб мақсадни айтдик.

Дарҳақиқат, бир ойда кўп ишга улгуриш даркор. Ахир 582 бош қорамол, 300 та қўй, 25 та йилқига озмунча қўлдек маълум, чорвачиликни муттасил ривожлантиришнинг биринчи шарти — мўл ва тўйимли озуқа жамғаришидир.

Йиғилишда, шунингдек, пахта масъумига пухта тайёрларлик кўриш, 1993 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш режаси муддатда бажарилишини таъминлаш, йилги исрофгарчилигига йўл қўймаслик, қариялар ва бовқувиш йўқ оналарга ердан бериш тўғрисида ҳам гапирилди. Ўшбу вазифаларга мутасаддилар ажратилди. Уларнинг ҳисобот берадиган вақти белгиланди.

Йилги ўллик деҳқонлар айнаи дамларда 480 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта қирмоғи соғиб олишга ташаббус қилишга йўл меҳнат қилишайпти. Ўзларидан қўсалар қўсал қўсал бўлишдан дарак берадилар.

Р. БОВОНМУҲАМЕДОВ.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 1993 йил олти ойи якулига бағишланган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов хорижий тадбиркорлар билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш, қўшма корхоналар тузиш, жаҳон бозорига чиқишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу борада Туркиянинг машҳур «Бурсел» фирмаси билан олиб борилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Бу фирма юқори сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича кўп йиллик тажрибга эга, — дейди «Бурсел» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори ўринбосари Санджалол Валиев.

Унинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари Герб бозорларида катта шубҳат қозongan. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг бир қатор вилоят ва туманларида «Бурсел» фирмасининг шохобчалари вужудга келтирилмоқда. Бундай қўшма корхоналар учун Туркиядан юқори унумли ускуналар, анжомлар, эҳтиёт қисмлар етказиб берилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан Ўзбекистоннинг хом ашёсидан тайёрланмоқда. Йил охиригача «Бурсел» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган корхоналар сони 10 тага етади.

Дарҳақиқат, Ўрта Чирчиқ районида очилган «Тўйтепа» қўшма корхонасида тайёр

ланаётган аркаклар кўйлаги харидорлар қўлига етиб борди. Бу ерда бир неча кундузда 3 мингта маҳсулот тайёрланаёпти. Ҳозирги пайтда ўшбу корхонада 270 нафар йилгит-қиз фидокорона меҳнат қилиб, 50 минг сўмдан ортиқроқ маош олишмоқда. Шундай бежирим ва сифатли кўйлақларга талабдор тобора кўпайиб бормоқда. Германияликлар хорижий миқдодлардан бўлишди. Улар йилга 1 миллион дона шундай кўйлақларни сотиб олишни, ҳар бирага 5 доллардан тўлашни мўлжаллаб туришмоқда.

Республикамизнинг Тўрақўрғон, Поп, Чуст, Андижон, Шифиркон районларида ҳам «Бурсел» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан кенг қўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда эса Тошкентдаги «Бурсел» — «Шуҳрат» қўшма корхонаси ишга туширилди. Туркиялик мутахассслар атғи бир неча ой ичидagina хориждан келтирилган ускуналарни ўрна-тиб, тезда ишга туширишга муваффақ бўлишди. Японияда ишлаб чиқарилган «Бродер» маркали тикув машиналари, Испанияда тайёрланган серуном ускуналар маҳсулотларини жаҳон андозалари даражасида бўлишини таъминлайди. М. КОЗИЕВ.

ОЗУКА МЎЛ БЎЛАДИ

Шу кунларда жамоада синос тайёрлаш қизғин бормоқда. 90 гектар ерда ўс-сикос тайёрланмоқда. Усимлик гектарига 400 центнердан озукка бермоқда. Бу иш-

да комбайнчи ва тракторчилардан Али Нисов, Теша Ҳўжаев, Рузан Нурхонов, Бозор Носиров, Ислам Мақсудов, Нодир Ҳамроевлар кўплик режани 2—3 мартадан ошириб бажармоқдалар.

— Ҳар йили қишга пухта ҳозирлик кўрамиз, — дейди хўжалик ферма муддир Эркин Остонов. — Шу боис қишги беталофат ўтказамиз. Ҳозир ҳамма ишларимиз бир маромда бормоқда. Қиш чорвадорлар учун синов мавсуми эканлигини аъзоларимиз яхши билишадилар. Шу боис кўпроқ озукка амаллаш чораларини кўрайимиз.

зандлари эса пионер лагерларида дам олинади. Корхонамизда иш шароитининг оғирлигини ҳисобга олиб ишчиларимизни сўт маҳсулотлари билан таъминлашмиш. Ҳар бир кишига меҳнат таътили пайтида бир ойлик ҳисобда ҳақ тўлашни йўлга қўйди. Хуллас, корхонамиз ишчи ва хизматчиларини имкони борича бозор иқтисодиётининг тақчилликларидан сақлаб қолишга ҳаракат қилишмиш. Одамларни иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишга маъсул эканлигимизни, у бизнинг зиммамизга катта масъулият юклаганини унутмаслигимиз керак, деб ўйлайман.

С. МАВЛОНОВ, Келесдаги жунин дастлабки қайта ишлаш фабрикасининг директори.

Яхшилар умри боқий

АЗИЗХОН АКА БОҒЛАРИ

1939 йил, Избоскан райони маркази Пойтуғда ёшлар йиғилиши бўлиб, йилгит-қизларни Мирзачўлга ишга юбориш масаласи муҳокама қилинди. Унда республика оқсоқоли Йўлдош Охунбоев ҳам иштирок этди. Ўзбекистон ҳукуматининг Мирзачўлни ўзлаштиришга даъват этувчи мурожаатини ўқиб эшиттириш Азизхонга топширилди. Ушанда у ўзини кўнгиллилар сафига қўйишларини илтимос қилди. Шунда Йўлдош ота: «Баракалла ўғлим, чўлга сен сингари чапдаст йилгитлар жуда зарур» дея унинг елкасига меҳрибонларча қўл ташлади.

Эртасига юздан зиёд избосканлик чўлга отланди. Азизхон уларга ғўлабоши бўлди. Ёш чўлуқварлар Шўр-Ўзқанда иш бошлашди. Қарар ётган дашт-бинони. На бир иморат, на бир дарахт бор. Пашша-чивини кўз очирмайдилар. Лекин орийат, ирода ҳамма нарсадан устун келди. Шароит ҳар қанча қийин бўлмасин, мақсад сари дадил йитилмади.

Азизхон ака чўлнинг барча қийинчиликларига бардош

берди. Бардош берибгина қолмай, ўзгаларга раҳамонлик қилди, орқасидан эргаштирди. Хўжаликдан қўриқни қадамба-қадам чекинтириб, экинзорлар, бозорлар барпо этишга бош-қош бўлди. Шу орада иккинчи жаҳон уруши бошланди. У Ватан ҳимоясига отланди. Машҳур 18-Қизил байроқчи ўқчи дивизия тарихида жанг қилди. 1944 йили кучлар тенг бўлмаган оlishувда қаттиқ яраланиб, Мирзачўлга қайтди. Ногирон бўлса-да, янги ерларни ўзлаштириш ишида фаол иштирок эта бошлади.

А. Носиров умрининг асосий қисми Гулистон районидаги Андреев номли «Қизил Шарқ» жамоа хўжалигида ўтди. Бу хўжаликларга раҳбарлик қилган йиллари ундаги саложият ва истеъдод, ташкилотчилик, одамлар билан ишлаш қобилияти тўла намоён бўлди. Аввал «Ўзбекистон» хўжалигини раислик қилди. Сўнг район раҳбарлари «Қизил Шарқ» ни оёққа тургазиб беринг, дейишди. Бу жамоани 24 йил бошқарди. Одамлар ҳур-



матини қозонди. обрў орттирди.

Азизхон ака хўжаликларга раҳбар бўлган йиллари пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги кўтарилди, даромад ошди. Ойиллар рўзғоридо, қишлоқлар жамолида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Колхозчилар қўл пул кўрди, яшаш тарзи ўзгарди, маданият равнақ топди.

Раис ниҳоятда ғамхўр эди. Хузурига ким нима иш билан кўрса, албатта ҳолатини чиқаришга ҳаракат қи-

лар, ҳеч иложи бўлмаган тақдирда ширин гапи билан қалбига йўл топишни жойига қўярди. Яна бир хислати — табиятан боғ шайдоси эди. Пахтага рўжۇ қўйилган йилларда ҳам бозорлар яратишга, далаи ерларни шолзорларга айлантиришга эътибор берди. Ҳали-ҳанузгача одамлар гурунгида унинг хайрли ишлари тилга олинади.

Мен бо акойиб инсон билан кўп марта учрашиб, суҳбатлашганман. У киши амалда оширган ибратли ишларнинг, ибратли тадбирларнинг гувоҳи бўлганман. Азизхон Носиров кўп йиллик самарали меҳнати билан ҳаётда ўчмас из қолдирди. Эл назарида тушди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвонига сазовор бўлди.

Азизхон ака узоқ йил «Қизил Шарқ» жамоа хўжалигида моҳирона раҳбарлик қилганлар. Жамоа аъзоларининг ҳоҳиш-иродаси, талаб ва истакларини инобатга олиниб, яқинда хўжаликка у кишининг номи берилди.

Ортиқчали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

БОЗОР ТАЛАБИ ҚАТЪИЙ

Келес жунин қайта ишлаш корхонаси узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаяпти. Корхонамиз ҳаммаси бўлиб 0,6 гектар ерда жойлашган. Аввало, шунини айтиш керакки, қайта ишланган хом ашёнинг асосий қисми — саксон фонзини Россияга, қолганини эса Украина, Беларусь ҳамда Қирғизистон жумҳурияларига сотамиз. Фабрикамизда ҳар йили 7 минг тонна хом ашё қайта ишланарди. Нарх-навоининг кўтарилиши, тақчилликлар тугайли ҳозир йилгига фақат 4—5 минг тонна жунин қайта ишлаймиз. Хом ашёни сотиш, уни сақлашда ҳам қийинчиликларга дуч келаямиз.

Иқтисодий тангликдан тазорор чини, баъзи ишсизларни иш билан таъминлаш мақсадида фабрикамизда лиги-лиги йиллар ташкил этишга ҳаракат қилаёмиш. Ана шу мақсадда яқинда

14 та тикув машинаси сотиб олдик. Халқ истеъмоли моллари, тўя жундан кўрпа-тўшак, кўрпача тикидиган пех очдик. Унда 50 киши ишлайпти.

Соёиб Иттифoқ хулудидлаги ҳамма республикалардаги қайта ишлаш корхоналарида жунин юнш технoлогийси мавжуд. Фақат бизнинг корхонамиздагина бундай технология йўқ. Давлат жундан тайёр маҳсулот олиш жараёни ишлаб чиқилмаган. Очгинини айтсам, биз чиқарган хом ашё дунё бозори талабларига жавоб берибди. Ундан фақат гилам, намаз, шинел кабилар ишлаб чиқарилади, холос.

Яқинда ана шу камчиликларга барҳам бериш мақсадида Германиянинг «Лейснер» фирмаси билан шартнома тузди. Ҳозир ҳисобиктоб ишларини олиб боришимиз. Агар жунин юнш технологиясига эга бўлса,

маҳсулотимизнинг дунё бозорига чиқарган бўлардик. Ишмишда юз бераётган баъзи қийинчиликларга қарамай хом ашё ишлаб чиқариш ярим йиллик режасини уудаландик ва 212 миллион сўм соф даромад олдик.

Ҳозирги пайтда ишчи-хизматчиларни иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш асосий вазифаларимиздан биридир. Ўй-жойлар хусусийлаштирилди. 28 кишига шахсий томорқа учун ер олиб бердик. Корхонамизнинг ўз болалар богчаси бор. Уни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам бизнинг зиммамизда. Бартер усулида олинган қурилиш материалларини ишчиларимизга арзон нархда бераёмиш. Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда касалхона ва дам олиш уйларидан ишчи ва хизматчиларимиз учун ўрин олдик. Уларнинг фар-

ДЕНОВ ХАБАРЛАРИ

Денов туманидаги «Наврўз» давлат хўжалигида эҳтиёжманд кишиларни иқтисодий ҳимоялаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Мазмунини ва касабаси уюшмаси қўмитаси ана шу мақсад учун 50 минг сўм ажратадиган бўлди.

Тумандаги хўжалик бошқаруви ва жамоат тақчилликлар ободончилик ишлари учун 4,5 миллион сўм пул ажратди. Ҳапар йўли билан қишлоқ стадион қу-

рилди. Хўжаликнинг учта бўлимида ишовчи аҳоли қишлоқ суви билан таъминланди.

Туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш йилдан-йилга кўпай-

моқда. Шу йилнинг ўзида 2,5 тонна галла сақландиган обдор, 4 мингта товуқ боқиланган паррандахона, 250 бош қорамолга мўлжалланган молхона қурилди. (ЎЗА мухбири).

Ўқув йили бўсағасида

ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА ЭЪТИБОР

Кейинги пайтда олий ўқув юртиларида бўлган каби республикамизнинг қатор мактабларида ҳам компьютер ўзига хос нитхон олиш востаси бўлиб қолди. Улар ёрдамида ўқувчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолаш имкониятини берадиган тест тизими пайдо бўлмоқда. Қўпгина педагогик жамоалар ўз фаолиятларида бу усулдан фойдалана бошлади. Халқ таълими соҳасида келгусида ҳам шундай янгиликлар кўп қўлланилади. Ўқитишнинг эскирган шакллари ва усуллари ўзининг янгилиги эгаллайди. Эндиликда ҳафтасига беш кун ўқитиладиган мактаблар пайдо бўлаётди. Бу мактабларда баъзи фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш йўли қўйилган. Маорифимиз соҳасидаги янгиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи муовини Илҳом САИДЖОНОВ шундай ҳикоя қилади:

— Давлатимиз мустақилликка эга бўлиши билан миллий таълим сисемасини мустақил равишда белгилаш имкониятига ҳам эга бўлди. Ўзбекистонда болалар аҳолининг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Бундай ҳол жаҳондаги камдан-кам мамлакатларда учрайди. Болаларимизнинг билим олишлари учун давлат томонидан ажратилаётган маблағ миқдори муттасил ўсиб бормоқда. Айни пайтда бу маблағ юзлаб миллилард сўмини ташкил этмоқда. Келажак авлодин тарбиялаш масъулиятини давлатимиз ўз зиммасига олган. Бу масала Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонлари асосида олиб боришмоқда. Истеъдодли ва заковатли, билимдон авлодин тарбиялаш

республикамизнинг келгуси ривожини таъминлайди. Булар бариси мактаблар зиммасига юклатилган. Ўқувчилар мактабларда таълим тарбия олибгина қолмай, ўзлари қизиққан мутахассисликлар бўйича ўқиниши давом эттириш имкониятига ҳам эгадирлар. Шу муносабат билан ўқув дастурининг мазмунини ўзгартириш зарур.

Ешларнинг умумий ўрта маълумот олишга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш жараёни илгаридек мактаб таълими таъминлашга мажбур қилиш руҳида бўлмаслиги лозим. Ҳоҳиши ва қобилияти бўлсагина ўқувчи 9-синфдан кейин мактабда ўқиниш мумкин. Ҳоҳиши бўлмаса — йўқ. Қолаверса, истиқлол шарофати билан

камситдилар. Аммо Ризакул лон-мим демасдан ўз устиди тинмай ишлашни давом эттира боради. Йиллар ўтиб, қатор китоблар юзага келди. Ҳа, у осонгина «Ризакул олим» бўлгани йўқ. Юқоридики ҳар иккала мисолимиздан чиқарадиган хулосамиз шунки, киши ўз қадрини меҳнат билан, ўз устиди тинимсиз ишлаш билан топади. Қолаверса, ҳасадчиларнинг демини ўқирадиган востига ҳам шу меҳнат.

«Инсоннинг ҳақиқий қадри» қиммати шундаки, — деганди донолардан бири, — ҳатто уни ҳасадчилар ҳам макташга мажбур бўладилар. Инсон қадри қиммати пастга ўриш учун ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Инсон қадри қиммати курашларда тобланиб боради.

Уз қадри қиммати учун кураша билмаслиги ҳам кўсур. Йиллар давомида оз-оздан йиғилган қадри арзimas ирода-синлик туфайли барбод бўлиб, ниқирозга оз тутиши мумкин. Масалан, Мамажон олиб борган, тўй-томошларда дам олиб, ҳордиқ чиқардик. Тилнинг бийронлиги, фалсафий мушоҳаданинг қучилиши, таълаффузининг равонлиги, ҳамма-ҳаммаси қойил қолмадиган даражада эди. Аммо Мамажоннинг ичкиликка берилиши натижасида қадри қиммати бир пул бўлди. Олий ўқув юртидан кетди. Қерда ишласими, унинг энди қимлигини ҳамма билиб қолмади. Сухбатлашиб турган эдик, узокдан келаятган Мамажонни кўрган танисим: «Эй бўл, тейроқ кетайлик, ана у билан кўришасан белага қолмаси, пул сўрайвериб, тинкангни қуритади», деди.

Ана азизлар, ичкилик инсонни не қўйларга солиб қўймайди. Филология фанлари номзоэди, доцентнинг ушбу аҳолининг кўриб, нисбатда ачиндиган, қийматли ҳам бир ахвола. Мен сўхбатлашганим: «Мамажон ҳозир ҳам тўйларда ўртақлашиб қилади-мий», деб сўраб қолдим.

— Кейдега дейсиз, ҳеч қим тўйга айтмайдиган бўлиб қолди, — деди. Ўз қадри қимматини англамаслиги, инсонни бир қакага арзимайдиган қилиб қўяди.

Мамажон, нафақат қадри қимматини ер билан яқин қиялати, балки инсонийлигини ерга ураётди, одамийлигини ҳақоратлапти.

Ҳа, азизлар, қадри қимматини асрашлик — бу инсонийлигини асрашдир.

Муҳокул УСМОНОВ, профессор.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўнома таҳрир хайъати: Н. ҚАЙУМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЙУМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҚОСЫМОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОХИМОВ, Р. БОБОМУХАМЕДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г-481. 29880. нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 20.30

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»

«ҲОЖАТБАРОР»

ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25

БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ



Эзиб олдуви:
Д. САЙДУЛЛАЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
муҳбири.

Ҳурматли Низомиддин Раҳматов! Сизни корхонамизнинг барча ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари, ҳамкасбларингиз ва ёр-биродарларингиз номидан таваллуд топган кунингиз муносабати билан чин дилдан муборакбод этамиз. Қарийб қирқ йилдан бери Сиз сидқидил меҳнат қилиб келаятган бу даргоҳ оилангизнинг бошқа аъзолари учун ҳам қадрдон корхона бўлиб қолганлиги барча томонидан эътироф этилади. Сизнинг катта хонадонингиздан бир неча киши заводимиз жамоаси эришяётган муваффақиятларга ўз улушини қўшаётганлиги эътиборга лойиқдир.

Сиз учун гоёт қувончли бўлган кунларда қўллар оқанмиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, ўн нафар фарзандингизнинг орау-ҳавасини кўриб, уларга бошқош бўлиб юришингизни ният қиламиз.

Бойвут пахта тозалаш заводи жамоаси ва касаба уюммаси қўни-таси.

Ўзбегим одоби бу

ИНСОН ҚАДРИ

Инсон бошқаларнинг ҳурматини жойига қўйиб, нопокликдан йироқ юрса, унинг қадри қиммати ортаверади. Бундай кишининг обрў-эътибори ўсиб камол топади. Қадри қиммати омондан тушмайди. Йиллар давомида инсон уни мисқоллаб йиғеди. Шундагина ҳар бир киши ўзи машаққат билан эришган қадрини авайлайди. «Ўз қадрини билган, — дейдиларди халқ нақлида, — ўзгалар қадрини ҳам биледи». Инсон учун аjoyиб безак ҳам, уни улуғлайдиган востига ҳам, унга шараф қелтирадиган ноёб хислат ҳам қадридир.

«Ўз қадри» қиммати англаш, — деб ёзган эди инглиз адаби Филлип Честерфилд, — акли одамни янада камтарин, шунинг билан бирга янада саботли қилади». Шубҳасиз, адабнинг фикрига қўйилмоқ керак. Ўз қадрини билишда гап кўп. Айни вақтда инсон учун жуда ҳам керакли ҳисобланган ана шу қадри қиммати осонликча қўлга киритилмаслигини ҳам эси этиш зарур. Бунинг учун астойдил меҳнат, керак бўлса курашмиш зарурати туғилади.

Қадрдон дўстим Исомиддин Жалиловнинг машаққатли меҳнати натижасида мақолалари дунё юзини кўриб, ўқувчилар қалбидан жой олди. Унга келаятган хатлар, телефон қўнғирроқлари Исомиддиннинг мақолаларини долзарблигидан, ҳаётийлигидан далolat беради. Ана шу боис тезда дўстимиз эл орасида тилга тушди. Бу ҳолат ёру дўстларни хурсанд қилди. Дўстларнинг қўллаб-қувватлашлари Исомиддинга қанот бағишлар, ихломини қўштириб, янги-янги зафарларга қорларди.

Инсон ҳар хил бўлар экан. Қимматлари зафарингдан қуворса, аллақимдир ич-этини еб чоқ қазийдиган ҳам тоймайди. Учинчи билари хатто Исомиддиннинг мақолаларини чиқармасликка ҳаракат қилиб, тўсиқлар ясади. Аммо Исомиддин буларга парво қилмай, бепарво ҳам бўлмай ўз устиди ишлашни давом эттирди. Ҳа, ўқинди, ўрганди, ҳаётини кузати. Қийналиб бўлса ҳам, турткиларга учраб бўлса ҳам қатор мақолалари ўқувчиларга бориб етди. Асарлари чоп этилди.

Бир пайтлар унга ҳалақит бериб камситганлар эндиликда унинг ҳақиқий истеъдод эгаси эканлигини тан олишди. Бу катта бахт. Еки яна бир воқеа.

Бу олим Ризакул Мустафоев ҳаётидан. У жуда қийналиб фан номзоэди бўлди. Шундан кейин ўз устиди астойдил ишлаб, рисолапар чоп эттирди.

Бунинг кўрган айрим ҳақда бандларни «Ҳа, илмий ишини чоп эттиряпти-да» деб уни ошқора

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўнома таҳрир хайъати: Н. ҚАЙУМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЙУМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҚОСЫМОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОХИМОВ, Р. БОБОМУХАМЕДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г-481. 29880. нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 20.30

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.